

Билла

Осиё Мияти



Oila va jamiyat

5
сон

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади 1997 йил январ-феврал

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



◆ Президент Ислам Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда мамлакатимиз қишлоқ ҳужалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

◆ Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Бош вазири Яҳё Азимов Ўзбекистон Бош вазири Уткир Султонов билан учрашди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида 1997 йилда юк ташиш, газ етказиб бериш ва алоқа хизмати бўйича ўзаро тўловлар ҳақидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

◆ Президент Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ мамлакатимиздаги корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг бир гуруҳ ишчи ва хизматчилари орден ва медаллар, faxрий унвонлар ҳамда ёрликлар билан тақдирланган эди. Вазирлар Маҳкамасида бўлган тантанали йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков ана шу мукофотларни эгаларига топширди.

◆ Бухорода «Аёл ва саломатлик» мавзусида ҳудудий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишда жойларда хотин-қизлар кўмиталари томонидан амалга оширилаётган ишлар, галдаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар атрофида муҳокама этилди. Семинар-кенгашда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Гуломова қатнашди ва сўзга чиқди.

◆ Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва республика байналмилал миллий-маданий маркази ҳамкорликда «Ўзбекистон — шарафимсан, шонимсан» номли кўриктанлов ўтказишди. Унда немис, рус, корейс, татар, қozoқ ва уйғур миллатларига мансуб йигит-қизлар иштирок этиб, ўзларининг Ватанимиз тарихи, Конституциямиз борасидаги билимларини намоиш қилишди.

◆ Наманган вилоятида янги газета чоп этила бошлади. «Сухбатдош» деб номланган бу янги нашрга «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик марказининг ҳамда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлиmlари муассислик қилишмоқда.

◆ Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров хотирасини абадийлаштириш мақсадида Фарғона вилояти ҳокимлиги вилоят марказидаги санъат билим юртига ва ҳофиз туғилиб ўсган маҳалладаги кучага унинг номи бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Узл ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



В.ТАРАН олган сурат

Тоғ кўйида ёлғиз дарaxт...

2-бет:
Тухуми синган
амаки
5-бет:
Ака-ука... бегоналар
6-бет:
Бағрикенглик қилоласизми?
(аёллар учун тест)

Қариндошдан ўйланманг
Иймон ҳақиқати
Делфин қасоси

●Бухородан икки хабар

МАРДЛАР МАЙДОНИ

Ўзбекистон жамоа ҳужалигида жойлашган танкчилар булимида «Мардлар майдонда» мавзусида адабий кеча утказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этиб, танкчилар билан Ватан, миллат, йигитлик туйғуларига ҳақида қизиқарли суҳбат утказдилар.

ХХАСРОША

Яқинда Олот тумани марказий болалар боғчасида Бухорои шарифнинг 2500 йиллигига бағишлаб «Бухоро — Шарқ гавҳари» мавзусида халқ ҳунармандчилиги кургазмаси бўлиб утди. Кеча сунгида «Нурафшон» ашула ва рақс дастаси ўзининг қуй ва қушиқлари билан иштирокчилар кунглини хушнуд этдилар.

Фотима ЖУМАЕВА



—Қани топиб кўрсинчи...

ТАҚДИРДАН ҚОЧИБ ҚУТИЛОЛМАЙСАН

Германиянинг Хоенберг шаҳрида истиқомат қилувчи хоним олдидан чиққан йўлтўсарга ҳамёни ва тилла тақинчоқларини қўш қўллаб топширди. Йўлтўсар чўнтагида тўптончанинг кўндоғини қисиб тургач, қайёққа ҳам борардинг?! Лекин полиция уни қўлга олганда чўнтагида тўптонча эмас, балки майда ўғирлик учун судга қақирув қогози чиқди. Энди омадсиз йўлтўсар иккита жиноят учун жавоб беради.

Оламда гап кўп

АЧЧИҚТОШ

ТУХУМИ СИНТАН АМАКИ

Қорасарой кучасидан гизиллаб бораётган 42-йўналишдаги автобусда одам куп. Ҳамма узи билан узи овора. Малласоч бир йигит ёнидаги қизнинг елкасидан кучиб утирибди (хотини ёки яхши кўрган бўлса керак). Биров мудраган, бошқаси ёнидаги шериғига гап уқтирган.

— Опоқи, руза тутаяпсизми?

— Булмасамчи, ургулай...

— Эшитдингизми, маҳалламиздаги Одил ошпаз хотинини қуйворипти...

Абдурахмонов кучасини кесиб ўтган автобуснинг гилдираги ўйим-чуқурга тушиб, қаттиқ силкинди. Сунги сал снгилоқлар уриндиқлардан нақ бир қарич кутарилиб тушишиди.

— Углим, сал секинроқ ҳайдасангиз буларди, — деди бир аёл норози оҳангда.

— Тез юрмаймиз-у, холажон, — жавоб қилди ҳайдовчи йўлдан кезини узмай. — Йўл ёмонда.

— Шу пайт орқа уриндиқда утирган амаки:

— Тухумни синдирдинг-у, ука, энди янганга нима дейман? — деди бошини сарак-сарак қилиб.

Тўғриси, амакининг гапидан бошқача хаёлга бордим. Йўқ, маълум бўлишча, амаки бозордан сабиниёз дегандай ул-бул олиб, челақка солибдилар. Олиб кетишга қулай деб, бетиға бироз тухум ҳам териб қўйган эканлар. Автобус силкин-

ганда ана шу тухумлар ҳам сакраб тушиб, анча-мунчаси синибди.

Шу воқеа сабаб будди-ю, пойтахтимиз кучаларининг аҳволи ҳақида айрим мулоҳазалар туғилди. Кучаларнинг уйдим-чуқур, нотеқислиги айниқса ёмғирли, қорли кунларда жуда сезилади. Пиёдалар йўлқалари ва йўлларда пайдо бўлган қулмақларнинг бирисини ҳатлаб, бошқасини четлаб ўтганингизча анча овора буласиз. Қоронгуға қолган булсангиз, оёғингиз шалаббо бўлиши тайин. «Улганнинг устига чиқиб тепган», дегандай айрим кучаларнинг қазиб ташланиб, ҳайдовчиларга, пиёдаларга ноқулайликлар туғдириладигани ортиқча. Тўғри, кучалар беқордан беқорга қазилмайди. Лекин шаҳарда қазилмаган кучанинг узи йўқ ҳисоби-ку. Қолаверса, шу кучалар текисланиб асфалтлангандан кейин, ёмғир-қорда тушроғи чуқади, ана шу ерларга сув йиғилиб, қулмақлар ҳосил булади. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги I-таксомотор парки қаршисидаги кучада ўтган йили «йирик» қазил ишлари олиб борилди, сунг йўл текисланиб, бип-бинойдай асфалтланди. Лекин ҳозир ёмғир, ё қор ёққан кунлари бу кучадан фақат сузиб ўтиш мумкин. Бу эса йўлсозларимизнинг ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, «мендан кетгунча, эгасига

●Ахборот

АЁЛ ВА ИСЛОМ ДИНИ

Исломи дини аёлни менсимаслиги, уни чимматга ураб, тург дсвор ичига қамаб қуйганлиги, уларга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлар бермаслиги ҳақидаги гап-сузлар динсизлик мафқураси томонидан узоқ йиллар давомида миямизга қуйиб келинган эди. Мустақиллик шарофати билан диний эркинликлар берилиши тўғрисида ислом динининг аёлга, унинг оиладаги, жамиятдаги ўрнига бўлган муносабати ҳақидаги ҳақиқатни ҳам руй-рост билиб олдик. Тошкент вилояти ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Аёл ва ислом дини» номли илмий-амалий конференцияда татқиқланганидек, ҳеч бир дин аёлни ислом динидаги юксакликка кутармаган эди. Пайгамбаримизнинг «Жаннат оналар оёғи остилади», «Аввал онадига, яна онадига, яна онадига, сунгра онадига яхшилик қил», деган муборак ҳадислари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мовароуннаҳр мусулмонлари диний йдораси раисининг муовини Юсуфхон хожи Шокиров айтганлики: «Исролда «манаби аёлнинг вазифаси, унга эркак аралашмасин, еҳуд бу эркакнинг иши, унга аёл қўл урма-син», деган чекловлар йўқ. Рўзғор юмушлари, бола тарбияси, жамият фаолиятида иштирок борасида улар тенг ҳуқуқлидирлар».

Анжумани Тошкент вилояти ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хужаева бошқарди.

Ўз мухбиримиз

етгунча» қабилида қўл учидан ишлашларини курсатади.

Ўтган ҳафтада, қор ёққан кунлари иш юзасидан Нукус кучасидан ўтишимизга тўғри келди. Шаҳар давлат автомобил назорати бошқармаси яқиндаги бекат атрофига йиғилган сулдан яқинлашиб бўлмади. Одамлар эса йўлнинг шундоқ ҳаракат қисмида автобус кутишга мажбур бўлишаётганини кўрдик.

Умуман, бундай ҳолни шахримизнинг истаган кучасида учратишингиз мумкин. Йўлсозларнинг эса ҳали вери ҳайдовчилару йўловчилар, пиёдаларнинг олқишини олиш ниятлари йўқ-ов.

Даврон БЕК

ЧЕЧЕНИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

27 январь кун Чеченистонда бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Маълумотларга қараганда, овоз бериш ҳуқуқига эга булганларнинг 60 фоиздан ортиғи иштирок этган бу сайловларда Аслан Масхалов галаба қозонди. Унга сайловчиларнинг 65 фоизи овоз берган. Маълумки, А. Масхалов Россия федерал қўшинлари билан олиб борилган уруш мубайнида чечен қаршилик курсатиш кучларининг бош штаби бошлиғи бўлган эди.

Чеченистон президенти даъватлари, маъбул конференциясида президентликка номзодини қўйган Мовлади Удоговни республика бош вазири, Вахи Арсановни вице-президент лавозимларига тақлиф этишини билдирди.

А. Масхаловнинг сайлангани Россияда ҳам хушхабар сифатида қабул қилинди. Россия президенти бу сайлов музокаралар олиб борилишига имкон беришини таъкидлади.

ТЕРРОРЧИЛАР «СЕРГАК»

Перу давлати пойтахти Лима шаҳри бир ярим ойдан бери дунё ахборот агентликларининг диққат марказида. Лима шаҳрида япон элчихонаси қароргоҳини қўлга киритган Тупак Амарра гуруҳи террорчилари хануз 72 кишини қўлда ушлаб, ўз тарафдорларининг қамқончалардан озод қилинишини талаб қилишаптир.

Кеча полиция кучлари ва махсус қўшин ҳарбий машиналар ердамида элчихона қароргоҳини ураб олиб, асир олинганларни озод қилиш буйича марш ўтказди. Бунга жавобан террорчилар қуроолардан ўқ узиб, қаршилик курсатишди. Чамаси, бу қалтис вазиятнинг музокаралар йўли билан ҳал этилишига илмиж қўлмаётган курилади.

КОБУЛДА ОЧЛИК

Уч ойлик муваққат осойишталикдан сунг Афғонистондан яна ташвишли хабарлар тарқата бошланди. Мажарони музокаралар йўли билан ҳал этилишига йўли топилмаган. Толиб-



ларнинг ҳарбий кучлари қаттиқ жанглардан сунг мамлакат пимодолига, Кобулдан 70 километр масофага силжишга муваффақ бўлган. Сунгги хабарларга қараганда, толибларнинг ҳаракати шимолий вилоятлар чегарасида тўхтаб қуйилган.

Айни пайтда толиблар уларга эгаллаган туманлардаги аҳолини тезлик билан қучиришга киришишган. Сиёсий шарҳловчиларнинг фикрига қўра, толиблар партизанлик уруши бошлангач кетишдан хавфсиз шундай йўл тутмоқда. Мана шундай шароитда Кобулда аҳвол ниҳоятда оғир. Халққаро Қизил Хок ташкилотининг маълумоти, пойтахтда ярим мил-

лион аҳоли оч, уларнинг умиди четдан бериладиган гуманитар ерданман, холос.

ЛЕБЕД — ХАЛОСКОРМИ?

Бундан бир неча кун олдин Чеченистонда изсиз йўқолган Россия жамоат телевиденисининг мухбирлари Р. Перевезенцов ва В. Тебелуслан ҳали ҳам дарак йўқ. Республика раҳбарияти сайловачаларнинг топилишига умид билдирган эди. Бироқ уларнинг ваъдаси амалга ошмади. Шунга қарамай номаълум манбалардан олинган хабарлар мухбирларнинг соғаломат эканини билдириб турибди.

Кеча «Время» программаси Р. Перевезенцев ва В. Тебелуслар тақдирларига аниқлик киритиш ҳақида олиб бораётган изланишлари натижасиз қолаётганини хабар қилди. Қидириётган мухбирларни озод қилишга Россия Хавфсизлик Кенгазининг собиқ котиби А. Лебеднинг ҳам киришмоқчи экани анча шов-шувларга сабаб бўлди. Генералнинг бу ҳаракати унинг адолатни қарор топтиришга уриниши ёки Россияда бу-

ладиган навбатдаги президент сайловлари олдиндан обрў орттириб олишми, буни вақт курсатади. РЖТга берган интервьюсида А. Лебед бу хабарни тасдиқлаб, узининг одамларини Чеченистонга юборганини, мухбирлар икки кундан кейин Россия томониға топширилишини айтди.

ТИРАНАДА ТҮПОЛОН

Бир ҳафтадан бери Албания пойтахти Тирана шаҳрида минглаб кишилар қатнашаётган норозилик намоийшлари кейинги кунларда очикдан-очик тўполонларга айланмоқда. Бундай тартибсизликларга пойтахтдаги молия тизимларининг ишқирозга учрагани оқибатида одамларнинг ўз жамғармаларидан ажралиб қолгани сабаб бўлди. Улар ҳукуматдан омонатларини қайтариб беришни талаб қилмоқда.

Кеча намоийшчилар полиция маҳкамасини тор-мор қилиб, шаҳар ҳокимияти биносини ёқиб юбордилар. Мол аччиғи жон аччиғи, деб шуни айтсалар керак.

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Олтинчи фасл. Шадднинг турлари ҳақида

Агар бел боғланганларга нисбатан айтиладиган шадд нимадир, деб сурасалар, жавоб бериб айтким, шадд белбоғдир ва у аҳду вафо белгисидир. Агар бел боғлашнинг турлари нечта, деб сурасалар, унга деб айт. Биринчиси — уз нафсини улдириш, иккинчиси — хийла-найрангни тарк этиш ва халққа файз етказиш. Учинчиси — уз борлигидан воз кечиш, яъни узини халққа фидо қилиш...

Агар хуфия шадд қайси, деб сурасалар, кунгил сирини ҳеч бир бегона олдида фош этмаслик ва зохиру ботинда ёру биродарларга муҳаббатли бўлиш, шафқат курсатишдир, деб айт. Яширин душман бўлган нафсага нисбатан ситамли бўлсин ва у билан ҳеч муросага бормасин.

Агар шадднинг хиллари нечта, деб сурасалар, еттига деб айт. Унинг сифатлари эса унталар. Биринчиси — салмоний, иккинчиси — сулаймоний, учинчиси — луқмоний, туртинчиси — йусуфий, бешинчиси — румий, олтинчиси — довудий, еттинчиси — мисрий... Агар ул айтган ун сифат қайсидир, деб сурасалар, айтгин: биринчиси — алиф шадди, иккинчиси — лом шадди, учинчиси — мим шадди, туртинчиси — мадда шадди, бешинчиси — мехробий шадд, олтинчиси — сайфий шадд, еттинчиси — қавлий шадд, саккизинчиси — салмоний шадд, тўққизинчиси — йусуфий шадд, унинчиси — хуфия шадд.

Агар булардан ҳар бири нимани ифода қилади ва нимани билдиради, деб сурасалар, жавоб бериб айтгин:

ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

Нақиб-аҳд отаси Ва шайх устозини (Вафо белбоғини боғловчи киши) Ва шогирди билан шайх устозининг аҳдлашуви Ва бунинг шартлари, рукнлари ҳақида

«алиф» шадди мадлоҳлар (ғазалхонлар)га тегишли. «лом-алиф» шадди авом шаддидир, «мим» шадди ҳикмат аҳлининг шаддидир, «мадда» шаддининг туғуни йуқ ва у авом шаддидир. «Мехробий» — мешкоблар шадди бўлса, «сайфий» (сайф-қилич) сипоҳийларга тегишли. «Қабз» шадди — паҳлавонларники, «салмоний» фаррошлар шаддидир. «Юсуфий» — хунармандлар шадди, «хуфия» эса махсус тоифанинг шадди бўлиб, уни шу тоифанинг махрами — нақиб билади ва истеълоди, қобилияти бор кишилар бундан хабардордирлар.

Агар ҳар бир шадднинг маъноси нима ва у нимага ишора этади, деб сурасалар, айтгин: «алиф» шадди ростликка ишора. «Лом-алиф», яъни «ло» — йуқ демак, нафсини, ҳирсу ҳавасни тарк этишга ишорадир. «Мим»нинг маъноси нафс оғзини боғлаш (тугун қилтири), баъзилар «маломатга» ишора дебдилар. «Мада»нинг маъноси ишқ юкини қутаришдир... «Мехробий» шадднинг маъноси нафс билан жанг қилмоққа ишорадир. «Сайфий» шадднинг маъноси шуки, солиҳ мужоҳидат қиличи билан ёмон сифатларни, илм душманларини енгади, шадди «қавлий»нинг маъноси қурбу мартаба топиш ва асрорда доно бўлиш демакдир. Шадди «салмоний»нинг маъноси одамларга зиён-заҳмат, озор етказмасдан умр ўтказишдир. Шадди «йусуфий»нинг маъноси тариқатда парҳез, тақвода собит туриш ва ҳавас Зулайхо-

си сузига кириб, исмат этагини қўлдан чиқармасликдир. «Хуфия»шадднинг маъноси сирнинг поклар тилидан поклар қулгоғига етишидир.

Агар шадд, яъни белбоғни боғлаш усуллари нечта, деб сурасалар, иккита деб жавоб бергил: биринчиси — остки, иккинчиси — устки. Агар остки қайси деб сурасалар, жавоб бериб айтки, бу — аввал шохмардонлар номига туғун туғиш, кейин уз устози номига туғун боғлаш, учинчиси — уз номига туғун боғлаш. Шундан кейин туғунларни ағдаради, натижада биринчи туғун устига чиқади. Буни тақмил ҳам дейдилар. Агар устки (фавқоний) қайси, деб сурасалар, бу аввал уз номига, кейин устози номига туғун боғлаш, деб айт.

Еттинчи фасл. Бел боғлаш далиллари хусусида


... Агар биринчи бел боғлаганлар қимлар эди, деб сурасалар, улар қуйидаги ун етти кишидур, деб айтгин: Салмон Форсий, Абузар Ғаффорий, Аммор Ёсор, Микдор Асвод, Ҳисон Собит, Абуабд Жарроҳ, Жобир Ансорий, Суҳайл Яманий, Муслим Шаккий, Малик Аштар, Довуд Мисрий, Суҳайл Румий, Амру бин Умия, Сайф Яманий, Қанбар Али, Жавонмард Қассоб, Абул Муҳажжон.

Мовароуннаҳр, Хуросон.

Табаристон, Ироқ ва Ажамнинг бел боғлаган мардлари далолати Салмон Форсийга тегишли. Миср, Искандария, Ҳалаб ва унинг атрофи далолати Довуд Мисрийга, Рум ва Мағриб аҳли ҳамда Озарбойжон Суҳайл Румийга, Яман, Адан, Барбар, Ҳиндистон, Чин чегаралари мамлакатларининг бел боғлаган мардлари Абул Муҳажжонга бориб тақаладилар.

Агар салмонийларнинг удуми (сан-над-далили) қанақа, деб сурасалар, дегилким, ҳар бир тоифанинг удуми бор. Нечунким, Салмон Форсий Али Ансорийнинг белини боғлади. Али Ансорий Ашжан Маданийнинг белини боғлади. У уз навбатига Абумуолим Хуросоний белини боғлади. Шу зайдда ҳар бири иккинчисининг белини боғлаганда, иловалар қилди ва фарқлар юзга келди. Ва бу турли гуруҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Чунончи: риязия, шаҳна, худди, матвич, муслимия, мавлония ва бошқалар. Хуллас: Хуросон, Ироқ ва Мовароуннаҳр аҳлининг Салмон Форсийга бориб тақаладиган ҳар бир бели боғланган кишиси комил, мард ҳисобланади.

(Давоми бор)



ЎЗГАЧА САЛОМ

Жаноби Расулulloҳ завжалари ҳазрати Ойша билан суҳбатлашиб утирган эдилар. Бир киши уйга кириб «ассалому алайкум» дейиш урнига «ассом алайкум» (яъни сизга ўлим бўлсин) деди. Куп утмай иккинчи бир киши кириб, шу сузни такрорлади. Бу тасодиф эмас эди. Маълум бўлишича, улар Расулulloҳни ёмон қурадилар, шунинг учун тиллари билан уларга озор бермоқчи бўдилар. Ҳазрати Ойша қаттиқ ранжидилар ва овозларини баланд қилиб: «Узларингга ўлим бўлсин!» — дедилар. Шунда Расулulloҳ Ҳазрати Ойшага юзланиб дедилар.

— Эй Ойша, нодуруст сузларни айтма! Ёмон сузлар мужассам бўлса, хунук ва ёмон оқибатлар келтириши мумкин. Юмшоқ таътилик ва мулоиймлиқ инсон ҳаётига гузаллик ва зийнат бағишлайди.

Ҳазрати Ойша дедилар: — Ё Расулulloҳ! Ахир улар салом урнига шармсизларча нолюойқ сузларни айтдилар.

— Нега хафа буласан? Мен ҳам уларга «алайкум», яъни «узингга бўл-

син» деб жавоб қайтардим-ку! Шу жавобнинг узи кифоядир.

ХАС-ЧҮП ТҮПЛАШ

Расули акрам (с.а.в) саҳобалар билан бирга сафарга чиққан эдилар, утулансиз, қуп-қуруқ чулга келиб қолдилар. Утин туپлашга ва оловга эҳтиёж сезилди. «Утин тупланг!» — дедилар Расулulloҳ.

— Қаранг, ер тап-тақир чул, биронта ҳам хас-чүп қуринмайди-ку!

— Ундай бўлса, ҳар ким қулидан келганича утин туплансин!

Саҳобалар сахро буйлаб кеза бошладилар. Атрофни диққат билан кузатдилар. Қасрда кичкина чүп қуринса ҳам туплалдилар. Ҳар ким оз-оздан утин келтирса, ҳаммаси бир жойга жамлангач, жуда қуп утин ҳосил бўлди. Шунда Расули акрам дедилар:

— Инсоннинг гуноҳлари ҳам худди мана шу утинлар каби оз-оздан йиғилади. Агар кичкина гуноҳингизга аҳамият бермай бепарво бўлсангиз, гуноҳлар азим дарё каби қупайиб кетади. Улардан қутула олмайсиз.

ШИКОЯТ

ЮЛДУЗЛАР АЛДАШДИМИ?

Германиянинг етакчи мунажжим (астролог)лари йиғилиб, 1996 йил якунларини муҳокама этишди. Улар дунё аҳамиятига молик 26та башоратларидан бирортаси ҳам амалга ошмаганини тан олишди. Жумладан, юлдузларнинг Германия канидтери Хелмут Колнинг жонига қасд қилиниши, Майкл Жексон яна жарроҳлик столига ётиб, гузал аёл қиефасига кириши, Берлинда заҳарли газдан оммавий заҳарланиш юз бериши ҳақидаги хабарлари ҳаётда уз исботини топмади.

Ибратли ҳикоятлар

Ҳазрати Али узларининг халифалик даврларида ҳар қандай шикоятларни узлари қуриб чиқардилар. Ёзининг иссиқ кунларидан бирида дарахт тағида утирган эдилар. Бир аёл эридан шикоят қилиб келди:

— Эрим менга зулм қилмоқда, уйдан ҳайдапти. Устига устак агар уйга келсанг, улдираман, деб таҳдид қилапти. Додимга етасиз деган умидда олдингизга келган эдим.

Ҳазрати Али дедилар:

— Эй худонинг бандаси! Ҳозир ҳаво жуда иссиқ. Озгина сабр қилсанг, аср вақтида иссиқ ҳовуридан тушадди, шунда эрингни олдига борамиз, ҳамма иш яхши бўлади. Агар ҳозир борсақ, унинг жаҳли баттар авжига чиқади ва бизга азият етказиши мумкин.

Бироз муддат утгач улар бирга йўлга чиқдилар. Етиб келишгач, Ҳазрати Али эшик ёнига келиб, хонадон соҳибига мурожаат қилдилар:

— Эй аҳли хона! Ассалому алайкум!

Бир еш йигит пешвоз чиқди, у ҳалиги аёлнинг эри эди. Йигит Ҳазрат Алини танимади ва ҳеч нарса дедим. Шунда Ҳазрат Али дедилар:

— Бу аёл шикоят қилиб келди. Унга зулм қилар экансан, уйдан ҳайдаб чиқарибсан. Яна қайтиб келсанг, улдираман дебсан. Мен сенга шуни айтмоқчиманки, Худодан қуруқ ва хотининг билан меҳрибонларча муносабатда бўл!

— Сенга нима? Хотиним билан яхши муомала қиламанми ёки йўқми, бу менинг ишим. Сен уни ҳимоя

қилиб келдингми? Энди эса унга баттарроқ зулм қиламан!

Ҳазрат Али адолатсизликдан жунбушга келдилар ва шамширларини гилофдан чиқариб дедилар:

— Мен сени яхшиликка қақирсам, шундай муомала қиласанми?! Узингча ҳамма ишни қила оламан, деб уйлaysанми?!

Ҳазрати Алининг овозларини эшитиб халойиқ тупланди. Кейин таъзим қилиб дедилар:

— Ассалому алайкум, ё Амралмуминин!

Йигит ҳайратдан еқа ушлаб қолди, рупарасида ким турганини англаб етди. Бироздан кейин илтимос оҳангида деди:

— Ё Амралмуминин! Мени кечиринг, айбларимни буйнимга оламан. Шу соатдан бошлаб сизга ваъда бериб айтаманки, хотинимга ширинсуханлик билан муомала қиламан.

Ҳазрати Али мийиғларидеа кулиб қўйдилар. Кейин аёлга қараб дедилар:

— Сен ҳам эринг билан ҳамма вақт хушмуомалада бўл. Уни узингга ёмон рафтор қилишга мажбур этма. Шуни яхши билгинки, қарс икки қўлдан чиқади.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади

Оламда гап кўп

ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Уқ эмгирдан увадаси чиққан сари (ҳинд матоси)ни, миллат қизининг қони тукилган боғни кўздан кечирамиз. Безовта руҳ боғдаги сокинликка чанг солаётгандай. Уз тансоқчилари томонидан ваҳшийларча отиб ташланган Индира Гандининг буғзида қотган сунгги фареди, юрагидан озикланиб жон таслим қилган армонларига гувоҳ шу елғиз боғ мискин бош эгиб, уз тилида нималарнидир сузлаётгандай...

Индира 1971 йил АҚШда утказилган Гэллоп суровномасида «Энг нуфузли аёл» номини олишга муваффақ бўлди. Лондонда чиқадиган «Санди таймс» газетаси уни дунёдаги қудратли аёл деб тан олди. Машҳурлик бобидаги эришган доволарини санайвериниш мумкин. Туйқусдан ҳалдан зид машҳурлик ҳам яшапга халал берармикан, деган хаёлга борасан. Билъакс, машҳурлик уни қувиб юрди.

1923 йилда 6 ёшга қадам қўйган Индира Оллоҳободдаги мактабга қатнай бошлади. 1926—31

йиллар оралиғида қизалоқ Индира мактабларни тез-тез алмаштиришга мажбур бўлди. Гоҳ Швейцарияда, гоҳ Пунада сабоқ олди. 1934 йил июлда Шантиникитенда бориб Висвабхарати университетиде тахсил ола бошлади. Машҳур ҳинд адиби Рабиндранат Тагор билан ҳамсухбат бўлди. «Мен Шантиникитенда уқийганимдан беҳал мамнунман. Чунки Тагордай буюк зотлар етишиб чиққан макон бу», деб эсади отаси Жавахарлаъл Нерута битган мактубларидан бирида.

Индира 1955 йилда Конгресс партиясига кирди. Ижтимоий фанларни чуқур эгаллаган, сиёсат майдонидаги нуфузи охиб бораётган Индира Ганди 1959 йилда ишбу партиянинг йулбошчисига айланади. Сиёсатнинг беҳаловатлик билан тўйилган нонини татиб қурган отаси

си Жавахарлаъл Неру уни бу йўлдан қайтаришга уришиб қуради. Бироқ қатъиятли қиз юрт истиқболи йулида сиёсий ғояларидан, танлаган йўлдан асло чекинмайди.

1964 йилда Индира Ганди Оммавий ахборот воситалари вазири этиб тайинланди.

1966 йилда Ҳиндистон Бош вазири Шастри оламдан утади. Бу вазифага Индиранинг номзоди қўйилганда Конгресс партиясидаги айрим сиёсатдошлар очикчасига мухолифатга боришади. Бироқ халқ Индира Гандига тула ишонч билдириб, қўлаб қувватлади.

Ҳиндистоннинг ён қўшниси Покистон билан муносабатлари яхши эмасди. Орадаги келишмовчиликлар сабаб ҳиндус ва мусулмон динига мансуб миллийлашган қочоқлар дарбадар кезинарди. Мамлакат бош вазири Индира Ганди 10 мил-

лион ана шундай қочоқларнинг бошини силаб, уларга бошпана берди.

1969 йилда Индира Ганди мамлакат молия вазирини ўзгартирди, 14та катта банкни миллийлаштирди. Иқтисодий жаҳалда чуқур ислохотлар утказишга эътибор қаратди.

1980 йил 23 июнда угли Санжайнинг самолёт ҳалокатида фожеали улим топиши унга қаттиқ таъсир қилди. Ҳатто унинг дунедан, ишдан кунгли совиб, ҳалдан ортиқ тушқуликка белрилди. Бироқ сиёсатчи Индира

она Индирани енгиб бу гам, кулфатлардан чекинтириб, яна халқига қайтарди.

1984 йил 31 октябр ҳинд халқининг юрагига изтироб сурагини чизди. Индира Гандини уз қароргоҳида Сикх динига мансуб икки нафар тансоқчиси ваҳшийларча отиб улдирди. Тақдирнинг шундай қаттиқ зарбаси 1948 йилда миллат отаси Мохатма Гандини дунедан олиб кетганди.

Салкам 30 йиллик фаолиятида ҳинд халқининг иродали, жасур қизи миллат тараққиети йулидаги ғовларни олиб ташлашга уриди. Аммо ёвузлик, разиликдан бино буладиган бўҳрон тусатдан умрига раҳна солишини кутмаганди.

Сафар АЛИ



А.САИДОВ олган сурат

Ҳиндистон Республикаси
қунига

ҲИНД САЁЁҲИ ТЕРМИЗИНИ КЎРДИ

Ҳиндистон фуқароси Рам Чандра Бисвас бундан ун беш йил бурун дунё буйлаб саёҳатга чиққан эди. 28 ёшида уйдан чиққан сайёҳ йулида нималар кутаётганини ҳали билмасди.

Токи саёҳатга чиққунга қадар у Калкутта университетининг жуғрофия факултетини битирган. Ҳозиргача у 134та мамлакатда булиб, 2009 та шаҳарни зиёрат қилди ва 392 минг 545 километр йўлни босиб утди. Жаҳоннинг қолган мамлакатларини ҳам кезиб, икки мингинчи йилда она юртига қайтмоқчи.

Велосипед билан узоқ ва оғир саёҳатга чоғланганида чунтаганда бир доллар пули бор эди ва фақат ҳинд тилини биларди.

Рам Чандра Бисвас ҳақида дунёнинг минглаб газеталари ёзишган. Ана шу машҳур сайёҳ қадимий Термиз шаҳрига ҳам ташриф бурди.

— **Муҳтарам Рам Чандра Бисвас, саёҳатдан кўзда тутган мақсадингиз нима эди?**

— Мен ун саккиз йил Худого ёлвориб, умримни инсонларга яхшилик йулида сарфлай, токи тирик эканман, токи қувватим бор

экан дунё одамларнинг хизматида булай, деб илтижолар қилганман. Дунё буйлаб қилган сафарим давомида турли миллат, элатдаги ва турли хил динларга эътиқод қиладиган одамларни атом урушига қарши, зулм ва зуравонликка қарши, оилалар ва гудакларни таҳқирлашга қарши қатъий ва қайтмас курашга даъват этиб келаман. Истайманки, дунё одамлари бир-бирларига меҳр-муҳаббат қуйсинлар, бир-бирларининг қадрига етадиган булсинлар ва тенг биродарлик, одамийлик қонуни билан яшасинлар. Узимнинг узоқ сафарим давомида бугузал оламнинг турли-туман одамлари билан учрашдим, суҳбатлар қурдим. Фариб кулбаларда одамларнинг кунглига қўл солдим, муҳташам қишоналарда амалдорлар билан гурунлар қилдим. Кимники курсам, қаердаки булсам, барчани мангу яхшиликка чорладим. Улар билан дустана муносабатлар урнатилшга ҳаракат қилдим ва аксарият ҳолатларда бунга эришдим ҳам.

— **Табиийки, ҳар қандай сафаринг ҳам уз қийинчиликлари бўлади. Йўлингизда қўнғилсиз ҳолатлар ҳам**

учраётими?

— Утган ун беш йил мобайнида менга бирон қиши таҳдид қилгани, пулимни уғирлагани, уришган, суккани йўқ. Аввал бошдан сафаринг жамики оғир-енгил жиҳатларини буйнимга олиб йўлга чиққанман. Шунинг учун ҳам очманми, туқманми, барибир хурсандман.

— **Она юртин, Ҳиндистонни соғинмадингизми?**

— Соғинч менга қадрдон булган туйгу. Уй билан телефон орқали кунгироқлашиб тураман. Вақти-вақти билан сафар давомида йигилиб қолган газета-журналлар, манбалар, ёзувларимни уйга жунатаман.

— **Жаноб Рам Чандра Бисвас, шу қийин сафарга бекор чиқибман, деб бирон марта пушаймон бўлдингизми?**

— Асло.

— **Сафарингизнинг моддий жиҳатлари қандай ечим топмоқда?**

— Ҳамиша, ҳамма ерда менга одамлар, ташкилотлар ердан беришади. Пулсиз яшадим, пулсиз юрибман, лекин муҳтожлигим йўқ. Чунки одамлар мени яхши куришади.

— **Сиз дунёни қандай танияпсиз?**

— Фақат уз кузатувларим,

курбанларим, эшитган, билганларимга таянаман. Китоб, телевидение орқали дунени таниш ниятим йўқ.

— **Кечирасиз-у, бола-чақа, рўзгоринг аҳволи қандай кечаяпти?**

— Уйланмаганман. Агар уйлансам, фақат узимни, хотинимни, бола-чақамни уйлайдиган ва худбинликка мойил буламан. Узини, уй-жойини уйлайдиган одамнинг эса дунё билан заррача иши булмайди. Бир суз билан айтадиган булсам, рўзгор-оила менинг катта мақсадим йулида тусик булиши мумкин. Ҳали ҳаммасига улгураман...

— **Дунёдаги турли хил сиёсат тамойилларига, турфа динларга ҳамда эътиқодларга дуч келаяпсиз. Уларга қандай қарайсиз?**

— Менинг сиёсат билан заррача ишим йўқ. Орзуим шулки, барча сиёсатлар инсоннинг бахти учун курашсин. Барча динларни, эътиқодларни ҳурмат қиламан.

— **Овқат тавлайсизми?**

— Йўқ, ниманики олдимга келтириб қуйишса, ушани танавул қиламан. Фақат йулбарс билан бурининг гуштини еганим йўқ. Баъзан менинг бу жавобимни эшитиб яна савол беришади: «Нега емаяпсиз?» Уларга жавоб бера-

манки: «Ахир, дастурхонга келтириб қуйишмаса, қандай ейман...»

— **Неча тилда муомала қила оласиз?**

— 1982 йил апрелда уйдан чиққанымда фақат ҳинд тилини билардим, ҳозир эса дунёнинг ун тилида бемалол гаплаша оламан.

— **Сафар анжомлари, кийим-кечакларингизни қўп алмаштиришга тўғри келадими?**

— Нима десам экан, велосипедимнинг резинасини ҳар олти ойда алмаштираман. Пойафзалимни неча марта алмаштирдим — буниси едимда йўқ.

— **Насиб бўлса, сафарингиз ҳам қарийди, ундан кейин нима иш қилмоқчисиз?**

— Нима қилардим, ниманики қурган, билган, эшитган булсам, барини китоб қилиб битаман. Сафарим охиригача, яъни икки мингинчи йилгача дунё, унинг турфа одамлари менга қўп нарса берган булишади. Ниманики олсам, барини яна қайтаришим керак булади. Ҳозир эса тинимсиз йиғаяпман.

— **Суҳбатингиз учун ташаккур. Сафарингиз хайрли кечсин!**

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ
суҳбатлашди

Тақдир

Ер ёрилмади-ю... йуқ, гуёки унга ер-у осмон, бу ҳаёт зимистоннинг узгинаси эди. У булда узини одамликдан узок курди, бутун шунга мажбур эди.

Аслида Ирисмат у билан ошна тугинганига эндигина икки ҳафта чамаси вақт утди. Нима булдию, кушни тумандан юк билан келган трактор бузилиб, эгаси унинг устахонасига мурожаат қилди. Бир-икки кунда тузатиб бердилар ва шу аснода муносабатлар бир қадар яқин булиб қолди. Боғизагоннинг олмасидан Ирисмат гаплашиб берадиган булди, Тоштрақдаги акаларининг картошкасидан у. Хуллас, бир-икки узаро маъқул ишлардан сунг Ирисматни уйга таклиф қилди, чой қилди. Уша кун кишлоқнинг номиши сураган Ирисмат унинг жавобидан бир сакраб тушди. Албатта, у булдай кишлоқ борлигини биларди, бироқ унинг шундоққина йул ёқасида эканини билмаганидан, аниқроғи, бунга эътибор бермаганидан уқинди. Пиелалар эллик-элик билан бир неча бор айлангач, Ирисмат «сир»ни очди.

«Мен сизларга жиян буламам, — деди у. — Онам Орол кишлоғидан. Афсус, бу ерда бизнинг яқин оғайнилариимиз йуқ. Лекин онам кун эслайди. Тога юртингдагилар билан топишгин, тузингин дейди. Мана, Сизни Оллоҳнинг узи етказди. Менга тога буласиз».

Илгорнинг меҳмонхонаси турида шоп муйлови ва чақчайиб турган кузларидан важоҳати сезилиб турган отасининг сурати Ирисматга ҳеч нарсани билдирмаганди, албатта. Қолаверса, Ирисмат падали бузрукворининг бир замонлар Илгор япайдиган юртда милицияда ишлаб кун одамларнинг дуосини олгани, ҳалигача уни хурмат билан эслаб юришлари, унинг тенгқурларидан кунчилиги у бас келган жиноятларга рубару келишдан ҳайиқингани ва ҳоказоларни гапириб берди.

Орадан кушлар утиб, меҳмонга чақириниш навбати Ирисматга келди. У ҳам мамнуният билан таклифини қабул этди. Кишлоқдоши, опа, десами, хола ё амма, деса маъқулми, Ирисматнинг онаси билан танишишга ҳам ишгиёк туйди. Ахир, ҳаётда нималар булайди, балким узокроқ қариндошлари чиқар.

Меҳмонга куй суйилди, кунни-кушнилари айтилди. Бир кур одамлар «Тога паванда» билан роса суҳбатлашишди, кишлоқнинг аҳолидан, бозордаги нарх-наводан ва уруғгача сурашди. Кишлоқдан чиққан катта амалларда ишлайдиганларни суриштиришди. Хуллас, кимдир ким билан танишлиги, ишлашигани ва яна кимларнингдир оламдан утгани-ю уларни эслашлар, турунг жуда кизиди. Куншилари вақт алламаҳал булгач, Ирисматга меҳмонни уларникига ҳам олиб утиниши тайинлаб тарқалишди.

Энди улар — Ирисмат, куринишдан ҳаётдаги кун қийинчиликларни бошидан кечиргани шундоққина акс этиб турган, еши етмишларни қоралаган онаси — уччалови қолди. Шунда у ботиниб онахонини саволга тутди:

— Солиха опа, сизни хола дейми, амма дейми, деган уйдаман. Кишлоғиниздаги кимларга қариндошсизлар?

— Опа десаңг дуруст, бу — яқин болам. Асли менинг отам ороллик эди раҳматли. Онам Тоштрақдан. Отам ёлғиз угуллигидан ҳам у пайтларда еш эдикми, Мунгоз деган катта отамнинг укалари борлигини эс-эс биламан. Не замонлар утиб...

— Ҳа, у одам урушдан кейин, икки йилми-уч йил утиб қайтиш қилганлар. Фарзандлари бор. Икки угли, бири Ашраф ака, ҳозир катта бир мактабнинг директори, яна бири Азиз, у киши деҳқончилик қилдилар. Дарвоқе, Ирисмат ака, у кунни савдолашиб-савдолашиб картошкани арзон берган одамнингиз — уз амакинғиз буларкан-а.

— Ис, шунангами?

Аелнинг дардчил чехраси бу дардларни кўзгатиш учун савол ташлашга изн бермасди. Онанинг юрагида огриқли бир хотиралар уйғонаётган эди.

Орага анча сукут чуқди.

Ирисмат бошини куйи экканича суҳбатни дингқудоқ билан тинглар, исмсиз ва изоҳсиз кезиб юрган туйғунини аниқлиги си келар эди.

Ни ҳоят, ни ҳоят, она



армияга бориб келгач, орадан бир йил утиб бизнинг районда учрашиб қолдик. Қарангки, у меласа булиб иш бошлабди. Менга яқин муомала қилди, утган ишга саловат, бу тақдир экан, ишқилиб турмушнинг яқиними, деб кунгил сураган булди. Хуллас кунлар, ойлар утиб, у бизнинг кишлоқда ҳам пайдо буладиган, жуда важоҳатли, ҳамма унинг дастидан чучийдиган бир кишига айланди. Бир-икки бизникида меҳмон ҳам булди. Отанг билан танишди. Баъзи ишларда ердам зарур булса айтишини уқтирди.

Бир кунни бехосдан уйимизни милиция тингув қилиб келди. Бир қоп буғули топиб уни хатлашиб, отангни ҳам олиб кетишди. Эртасига уша кишлоқдон келди. Нима булгани, воқсалар қай тариқа кечганини суриштирди. Ҳаммасини айтиб бердим. Сунг у тезда узгарди. Айтдики, энди тамоm, эриндан умид йуқ, у қайтмайдиган булиб кетган. «Мен билан беллашган онасидан туғилганига пушаймон булади», — деди у. Мен эса тилсиз, забонсиз қолган эдим. Кейин эса у аввал мендан узига тегишимни, эримни унуттишимни суради. Бу, албатта қабиҳдик, бевафолик эди. Мен энди тушунгандим, нега одамлар уни ёмон куришларини, уни курса тум-тарақай қочишларини. Мен унга даъватлар айтдим, билган ва эшитган қарғишларимни айтиб дод солдим. Аммо уларга бас келадиган куч қани... Болам, сени уша қамокдан елган хатларини курсатган отанга углимиз деб таништирганман... Аслида сенинг отанг уша... Мен бир умр қаргаган Шодикул меласа эди...

Илгор гуе кар ва гул эди. Ирисмат ҳам. Тақдирнинг бундай уйини-я? Уларнинг ҳар иккиси бошини кутара олмасди.

Куруқшаган кушлар еш ҳам чиқмай қуйган кушларни яширарди. Она бор гапни айтиб, шу икки вужуд ва яна ушлаб, юзлаб нарса, буюм, табиат, офтоб, осмон олдида юзсиз қолгандек эди.

— Болам, сизни бировга ухшатдим деганим...

— Булди, етар! — Илгор чурт кесди. Кейинчи, хуш энди нима дейиш керак, аслида бир отадап туғилганлар бир-бирини қучсишларми, Илгор бу аелни нима деб атасин.

Ер ерилса... деган гап бу уринда кичик, кам эди. Унинг назарида ҳақиқатдан ҳам бу ҳаёт зимистон, ҳалсиз-адалсиз тубанишдан иборат эди.

Хуш, энди нима қилиш керак. Учта бир-бирига ипсиз боғланган тақдирнинг эгалари бу саволга жавоб тополмай лол эдилар.

Хусан ЭРМУҲАММАД

«Сўзда сеҳр—шеърда эса ҳикмат бор»

Феруза

ЎЛАН

Ҳай, ҳай улан, жон улан,
Уланим бор, ер-ер,
Сизга ҳали суйламаган
Армоним бор, ер-ер.

Уланим бор, дея айтган
Тилим куйсин, ер-ер,
Ергинамни жондан суйган
Дилим куйсин, ер-ер.

Ҳай, ҳай улан, жон улан,
Уланчи қиз, ер-ер,
Уз ерини ҳада этган
Армончи қиз, ер-ер.

Улан айтгин деманглар-о
Қадрим хордир, ер-ер,
Ер булмаган шу йилгиде
Қасдим бордир, ер-ер.

Ҳай, ҳай улан, жон улан,
Улан айтманг, ер-ер,
Зор йилгалаган шу қизчани
Қон қақшатманг, ер-ер.

Бегим, сузлар рост булса гар
Ҳиснаткор булибсизму?
Уз ерингиз урнига сиз
Узга ерни куйибсизму?

Аввалига яқши эдик,
Энди ёмон булибсизму?
Кумушхонни зор йилглатиб,
Зайнабхонни суюбсизму?

Садоқатдан айлабон суз
Қош-кушларга учибсизму?
Бунда мени қон қақшатиб
Узга ерни кучибсизму?

Ғунчани хор айлабон сиз
Номард ишин қилибсизму?
Аел туккан куз ешни сиз
Гуноҳмас деб билибсизму?
Бегим...

Ҳиснаткор булибсизму?..

МАЖНУНҲАТЛО

Сой буйида мажнунтол
Бошин маънос экканча,
Уйларди — «бу не ҳол» деб
Сувга кузин тикканча.

«—Одамзодага ҳайронман
Ожиз-у лек бор бардош,
Бошида шунча ташвиш
Қадди мисоли шамшод.
Мен эса сув буйида
Турарман ёлғиз ҳамон,
Битта ерининг дардида
Қаддим мисоли камон».

Оламда гап кун

САНЪАТСЕВАР «ҚУЁНЛАР»

Омск шаҳридаги академик драма театрида қалбаки чипталар билан томошаларга кирувчилар пайдо булди. Бу ишга асосан ҳамени буш, лекин санъатта ишқи баланд булган талабалар қул уришмоқда. Театр маъмурияти эса қулга тушиб қолган «куёнлар»га ҳеч қандай чора кураётгани йуқ. «Муҳими, бу ешлар санъат шайдоси», деб ҳисоблашмоқда улар.

Муҳтарам укуччи! Балки сезимли рузномангизда узок муддатли узилишдан сунг дабдурустдан футболга алоқадор хабарлар эзила бошлагани сизга эриш туюлгандир, балки бу узгаришдан бошингиз осмонга стар...

Хуллас, биринчи суҳбатимиз утган йили биринчи бор биринчи погонани эгаллаган «Навбахор» деган жамоанинг биринчи уйини ҳақидаги биринчи таасуротлардан иборат. «Биринчи» сўзини кун ишлатворибсизлар-ку, демоқчимисиз, тўғри! Бу сўзи «Навбахор»га нисбатан ҳозир — мақоланинг бошида айтиб олмасак, кейинроқ имконимиз бўлмайди. Бу мумкин ҳам эмас.

25 январ кунин Москва вақти билан соат 18.00 да, сунъий ут билан қопланган «Спартак» уйингоҳида (манежида десак тўғрироқ булади) «МДХ-97» кубогининг «А» гуруҳ вакиллари «Навбахор» ва «Зимбру» (Кишинёв, Молдавия) куч синашишди. Орадан 90 дақиқа утдию, қарабсизки, «МДХ кубоги» баҳсларида яна битта рекорд куйилди. Узбекистоннинг янги чемпиони узи учун янги ҳисобланган биринчилиқка янгича усулда (мағлубият) кириб келди. Қизиги, янгича усулнинг ҳам энг янғиси — 0:5. Тўғрида, «Навбахор» бешинчи биринчилигимиз голиби, демак, у беш сони билан боғлиқ қандайдир муъжиза кураганини керак. Шундай экан, жавобсиз бешта гол ура олмагач, жавобсиз бешта утга

ХОККЕЙЧА ҲИСОБ

зиб бериш табиий ҳол. Биз бекорга унга таъна тошларини отяпмиз. «Навбахор»нинг Москвада булган ҳар бир кунин биттадан гол билан баҳоланди. (Наманганлик футболчилар майдонга куникшиш ниятида уйиндан тўрт кун олдин етиб келишганди). Биз минг бор шукрона айтмаизки, улар Москвага яна ҳам эрта жунаб кетишмабди. Акс ҳолда, ким билади, нима буларди?

Утган йили «Нефтчи»дан 1:2 га енгилгани учун «Зимбру» узбек футболдидан қасд олиш ниятида эди. «Навбахор»нинг ягона айби молдавандарга шундай пайтда дуч келиб қолгани. Йўқса, «Зимбру»дек жамоа унга нима деган гап?

Эртасига, кечати мағлубият алами тулиқ тарқамай туриб, «Спартак» футболчилари «Навбахор»ни дуэлга қақришди. Мангикан олиб қараганда, бу сафар узбеклар енгиси керак эди. Лекин «дуэл майлони» бизнинг таъбимизга утирмади шекилли, «тушпогча»миздан бирорта «ук» отмай туравердик. Эвазига уч жойимиздан уч хилда «яраландик». Айниқса, учинчиси анча вақт битмайди

ган «яра» булди. Тихонов «аут»дан чиққан туши шунақа чиройли қилиб тўрта тикдики, Магомедов бир умр бошини қаргаб утса керак чиройли «пас» учун. Лекин аслида айб унда ҳам эмас, дарвозабон ҳам — ошпоқ, айб марказий ҳимояда, айб ҳужумда, айб тушнинг «аут»га чиқинини кутадиган узбилармон уйинчиларимизда.

Иккала уйин натижасини қурганлар борки, «Майдон панд бергандир-да!» дейишяпти. Булмаган гап! Хуроз, агар билсангизлар, ҳамма ерда бир хил қичқиради. Шоҳнинг саройида ҳам, даллада ҳам.

Маълумингиз бор, мусобақа 150 минг долларлик совринга эга. Унинг 52,5 минг доллар иккинчи урин соҳибига тегса, ярим финалда енгиланлар 12 мингдан 24 минггити қулга киритадилар. Гуруҳдан чиқинишгагина қодирларга 6 мингдан берилади. «Навбахор»га ухшаганлар 3,8 минг доллар билан кифояланишди. Қаранг, узбеклар қандай олижаноб. «Навбахор», «Спорт экспресс» газетасининг айтишига қараганда, шу биринчилиқдаги 15та жамоа орасида энг бойи эмиш. Шундай экан, у нима қилди бу арзманган пулга жон орғитиб, Москванинг айланниб қайтса булди-да!

Аваз БЕРДИҚУЛОВ

Футбол



ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҚАРИЯЛАР

Германиянинг Гравенбройх шаҳарчасида истиқомат қилувчи 70 ёшли Анна Фойстер хоним босқинчилик йўли билан пул талаб қилишда айбланниб ҳибсга олинди. Сабаби, у шаҳар марказидаги омонат кассасига қириб, кассирга «Бор пулинтин чуз, йўқса отаман!» деб езилган қоғозни курсатади. Қурқиб кетган кассир унга 1203 маркани қуртлай санаб беради. Полиция бу қароқчи кампирни ҳассасига таянганча инқилдай-синқиллай кетиб бораётган жойида, кассадан... 150 метр нарида қулга олди.

КОМПЮТЕРИНГДАН УРТИДМИ!

Могилев вилоятида умргузаронлик қилаётган нафақахур кампир бир неча ой нафақасини ололмади. У узи яшаб турган туман ижтимоий таъминот бўлимига арз қилган эди, қизик ҳолат аниқланди. Булимидаги барча операциялар компютерлаштирилган бўлиб, бу компютерлар нафақахурга у 100 енга тулгунга қалар (агар шунгача дорилбақога рихлат қилиб кетмаса) нафақа ҳисоблаб борар экан, янги асримизнинг ушбу ақлли машиналари мана шундай программалаштирилганлиги маълум булди. Хуш, нима кўпти, дериш? Ҳамма гап шундаки, кампирни тушмагур аллақачон юз ешдан ешган, компютер эса шу туғайли у ҳақдаги маълумотларни уз хотирасидан учуриб ташлаган экан.

ЕР ТАГИДА КАТТА БОЙЛИК

Австралиянинг Мелбурн шаҳридаги уйлардан бирининг ҳовлисида қизиш ишлари олиб борилаётган пайтда каттагина қутича чиқиб қолди. Унинг ичида пачка-пачка пуллар, тилла соатлар, қимматбаҳо тақинчоқлар бор экан. Топилманинг қиймати бир миллион АҚШ долларидан кам эмас, деб баҳоланмоқда. Журналистларнинг «саяҳатлари» туғайли топилма ҳақидаги хабар дарров бутун шаҳарга тарқалди. Бу бойликка эғаликка даъвогар бўлиб полиция маҳкамасига мурожаат этаётганлар сони эса 500 кишидан ошиб кетди.

ИТ — ИНСОННИНГ... ДҲУТИРИ

Нью-Йоркдаги Сент-Винсент касалхонасида бешта ит ишга қабул қилинди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги ана шу касалхона маъмуриятига беморларни даволаш жараёнида итлардан фойдаланишга рухсат берди. Маълум бўлишича, даладада итнинг бўлиши қон босимини туширишда, руҳий зуриқишларни камайтиришда ва бошқаларда яхшигина ердан берар экан.

РОССИЯ СЕМИРИШАРАФИДА

Мамлакат табиий ресурслар вазир Виктор Орловнинг таъкидлашича, яқин келажақда Россия ҳудуди 1,5 миллион квадрат километрга кенгайиши мумкин экан. Россия халқаро ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда Арктика майдонининг ана шунча қисмини уз ҳудуди деб тан олинисини сураб БМТга зарур ҳужжатларни тақдим эди. Энди БМТнинг маҳсус қарори чиқса кифоя.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Аёллар учун тест

БАҒРИКЕНГЛИК ҚИЛОЛАСИЗМИ?

1. Ҳозир дўконда энг тигиз пайт — олам жуда кўп бўлишини билсангиз ҳам харидга чиқасизми?

- А. Бошқа пайтда вақтим бўлмайди — 3 балл.
В. Зарур бўлиб қолсагина — 1 балл.
С. Ҳеч қачон — 2 балл.

2. Ёқтирмаган телекурсатувингизни куришга узингизни мажбур қилоласизми?

- А. Камдан-кам — 1 балл.
В. Узимга боғлиқ бўлса, ҳеч қачон — 2 балл.
С. Куриб боришга ҳаракат қиламан — 3 балл.

3. Сизга муҳаббат изҳор қилиб юрган эркекнинг бошқа маъшуқаси ҳам борлигидан хабар тоқдингиз. Унга уз хатосини тушүниб етиб, унглаиб олиши учун имкон берасизми?

- А. Узимни алдашларига йўл қуймайман — 2 балл.
В. У чиройли эркек бўлса, имкон бераман — 3 балл.
С. Олдин жиддий гаплашиб оламан — 1 балл.

4. Дугоналарингиз меҳмондорчиликка қақришган, лекин боргингиз келмаяпти. Нима қиласиз?

- А. Ишонarli баҳона топиб, бормай қуя қоламан — 2 балл.
В. Бу таклиф «Эсимдан чиқиб қолади» — 1 балл.
С. Боришга тўғри келади — 3 балл.

5. Ёз, қуёш, денгиз — сиз шунақа меҳнат таътилини орзу қиласизми?

- А. Мен салқинни ёқтираман — 1 балл.
В. Менга, қаердалигидан қатъий назар, бекорчихужалиқ қилиб етиш маъқулроқ куринади — 3 балл.
С. Ким ҳам бунақа таътилни орзу қилмайди, дейсиз — 2 балл.

6. Сиз бировга совга бердингиз-у, эвазига миннатдорчилик билдиришмади. Қандай йўл тутасиз?

- А. Бу яхши эмас — 1 балл.
В. Бу одамга энди ҳеч нарса совга қилмайман — 2 балл.
С. Ҳамма ҳам яхши тарбия қурма-

ганда — 3 балл.

7. Сизни гийбат қилган дугонангиз билан муносабатларингизни аниқлаб олаясиз. Унга нима дейсиз?

- А. Деярли ҳеч нарса — 3 балл.
В. «Менинг сендек дугона йўқ», дейман — 2 балл.

С. Мени хафа қилганини, лекин яна кечиршимни айтман — 1 балл.

7—11 балл. Кимданир хафа бўлсангиз, гина-қудуратлар сал босилгунча ундан узингизни четга тортасиз. У билан орани бутунлай очик қилишни эса ҳеч ҳам хоҳламайсиз.

12—16 балл. Ҳаммаси узингизни қай даражада алданган еки хафа қил-

лишган деб ҳисоблашингизга боғлиқ. Ҳар хил майда-чуйда гап-сўзларга эътибор бермай, бағрикенглик қиласиз. Лекин жиддий гап бўлса, сизни «эритиш» гоят мушкул.

17—21 балл. Хатти-ҳаракатларингизда мунтазамлик йўқлигини узингиз ҳам яхши биласиз. Таниш-билишларингиз шундан фойдаланишга интиладилар. Лекин сиз бундан ташвишга тушмайсиз. Аммо едингизда тутинг, ҳар гал ён берадиган, «чегара»дан утиб кетганларга ҳам мулоийм муносабатда буладиганларни ён-атрофдагилар енгилтак деб билтишлари мумкин.



— Оқ, маъза-а...

«Оила ва жамият» газетаси реклама фаолияти билан шугullanувчи агентликларни, реклама агентларини ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди.

Бизга:

- реклама баҳоси бир сантиметр-квадрат учун 30 сум;
- ярим саҳифалик реклама учун 10 фоиз, бир саҳифалик реклама учун эса 20 фоиз чегирма бор;
- реклама агентлари реклама баҳосининг 25 фоизигача миқдорда рағбатлантирилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй, 609-хона.

Телефонлар: 36-56-52, 34-86-91, 33-28-20

Табриклаймиз!

Меҳрибон онажонимиз Ҳабиба ЖУМАЕВА!

Сизни 45 баҳорингиз билан муборакбод этамиз. Бизнинг бахтимизга ҳамиша омон булинг.

Ўзингиз ШУХРАТ, Гиждуvon тумани, Тахтаxон қишлоғи

Хурматли қизимиз УМИДАХОН!

Сени 29 январ — туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ-умр, бахтдан тахт тилаймиз.

Опанг Феруза, отанг Обидхўжа ва уканг Олимхўжа

Бухоро вилояти Гиждуvon туманидаги 15-мактабда ёш авлодни тарбиялашда катта фаолият кўрсатаётган онажоним Гулчехра АБДУЛЛАЕВАНИ оиламиз, ҳамда дадажоним Юсупов Усмон помидан қўтлуг 45 ёшлири билан қўтлайман. Уларга узоқ умр, туганмас соғлиқ, ишларига ривож тилайман.

Онажон меҳрингиз мен учун ҳамон, Ягона оналар рамзидир дилда, Само юлдузлари порлаган замон, Вужудим такрорлар,— «Она» деб тилда.

Сизни соғиниб, ўзингиз Учқўнбек Тошкент шаҳри

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхонлар!

- Агар турли мавзулардаги қизиқарли мақолаларни ўқишни;
- оламда юз бераётган ажабтовур ҳангомалардан хабардор бўлишни;
- буш вақтингизда ҳажвия, хандалар ўқиб, бошқотирма ва шохмот масалаларини ҳал этиб, мириқиб дам олишни истасангиз;
- умуман, бир сирдош ҳамсуҳбатга эҳтиёж сезсангиз

«Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

Агар Сиз 12 февралгача обунани расмийлаштирсангиз, март ойидан газетани ола бошлайсиз.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун - 64654
корхоналар учун - 64653

УЙ АНЖОМЛАРИНИ ТОЗАЛАШ

Алюмин ва сирли идишлар қайноқ сувда совун билан ювилади. Агар идишни муттасил курук тиш порошоғи билан тозалаш турилса ялтираши сақланади. Бундай идишларни кир ювиш порошоғи, сода, кул, кум қоғоз, кум ва бошқа қаттиқ моддалар билан ювиш мумкин эмас.

Идишни духовкада ишлатгандан сўнг ҳосил буладиган доғларни нам туз билан тозаланг. Қорайиб кетган алюмин идишларни эса сирка аралаштирилган сувда қайнатиш тавсия этилади.

Кастрюлка узоқ муддат ишлатилгандан сўнг ундан ёқимсиз ҳид келиб қолади. Бу ҳидни йуқотиш учун кастрюлкани писта кумир билан артиш керак.

Балиқдан ҳосил буладиган ёқимсиз ҳидни йуқотиш учун идишни сирка, лимон шарбати, қуюлтирилган қаҳва ёки горчица порошоғи билан артиш лозим.

Челакда сувдан ҳосил бўлган чуқиндини сиркада ҳўлланган латта билан артса тез кетади. Шундан сўнг челакни совунли ёки содали қайноқ сув билан ювиб, бир неча маротаба чайқаб ташланг.

ВАННАЛАР

Ваннадан фойдаланишдан олдин ва кейин уни махсус ванна порошоғи билан тозалаш лозим. Шунингдек, кир ювиш содаси ва совун эритмасидан ҳам фойдаланса булади. 20 граммли суюқ совунга 100 граммли керосин қўшиб тайёрланган эмульсия кирларни яхши кетказди.

УНИТАЗЛАР

Унитаз сиртида тузларнинг сарғиш қатлами ҳосил булади. У

«Оила ва жамият» таҳририяти газетанинг жамоатчи муҳбири Миён Содиқ Рабbonий ҳазратларига умр йўлдошлари **Алимова Ҳафиза РАФИҚ қизи** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

СОТМАДИ

Марказда 4 қаватли уйнинг 1-қаватида 4 хонали квартира. Таъмирланган, поли паркёт, иккита темир эшикли, эшиклари ҳовлига қараган. Офис сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

Тел.: 62-09-04, 33-64-91 — уй, 34-67-41 — иш.

Даврон

Луначарский марказида — Крупская бекатида 8 хонали ҳовли. 6 сотих ери, боғи бор. Марказий канализацияга уланган. Телефон утказилган.

Тел.: 62-09-04 34-67-41. Даврон

Фойдали маслаҳатлар

қайноқ сувда кетмайди. Бунинг учун техник туз кислотаси (соляний) яхши восита бўлиб хизмат қилади. Бу кислота билан эҳтиёт бўлиб ишлаш керак. Буни қуйидагича бажариш қулайдир: ёғочга латтани ураб, қаттиқ боғланади. Сўнг латтани туз кислотаси билан ҳўллаб, унитазни артинг ва сув билан икки-уч марта ювиб ташланг.

Кумуш буюмлар спирт қўшилган совуқ сувда ювилса тез очилади. Бундан ташқари, тиш порошоғи массаси қўшилган сув билан ҳам тозаланadi.

Пичоқлардаги тузланган балиқ ва пиёз ҳидини кетказиш учун, уни сабзи, картошка ёки усимлик мойи шимдирилган латта ёки сирка билан артиш лозим.

Шиша буюмлар. Бу буюмлар сода қўшилган илиқ сувда ювилади. Кирланган шиша идишлар

Собир Раҳимов туманидаги масъулияти чекланган «Амир Темур» агрофирмаси уз фаолиятини **ТЎХТАТАДИ**

Давволар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Мухбир кучаси, 2-уй

утин кули аралашган сувда ёки писта кумир билан яхши тозаланadi. Графин ва бутилкаларни тозалаш учун майдаланган қоғоз парчалари ёки эзилган хом картошка тавсия этилади. Уларни бутилка ичига солиб, сув билан тулдириб, қаттиқ чайқатилади.

Усимлик мойидан, керосиндан бушаган (бутилкаларни) шиша идишларни эса оҳақ ёки бирикки чой қошиқ кир ювиш порошоғи ва озгина майда кум қўшилган қайноқ сувда ювиш тавсия этилади.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ, ўқитувчи

ОНАМГА МАКТУБ

Касал булишнинг ҳам маълум маънода фойдали жиҳатлари бор. Чунки инсон шундай дамларда уз яқинлари ҳақида кўпроқ ўйларкан. Аслида-ку мен тузалмас беморман. Шаҳар мени бутунлай ҳазм қилиб юборганидан бошлаб хасталикни бошимдан кечираман. Очиги, шаҳар мени бу-бундигимча ямлади-ю, шаҳарга хос бўлган айрим унсурларни ҳазм қилолмай касалликка чалиниб қолавердим. Дарвоқе, назаримда яқинларим деган сўзни нисбий маънода қўлладим. Чунки онамдан булак яқин қилишим йўқ. Тўғри, дўстларим, ака-ука, таниш-билиш ва ҳоказолар бор-у, уларни яқин дейишга... Балким айта оларман-у, фақат юрагимга яқин бир одам— онамдан кейин.

«Доллар фалон пулга чиқибди» — гоҳида шаҳарда салом-алик урнида ҳам ишлатилса булаверадиган таниш жумла. Бир кун танишлардан бирининг онаси қазо қилди. Домдан уни сунгити манзилга қўзатдик. Музыка овози келаётган қўшни хонадондан ақалли кунгили сурашга ҳеч ким чиқмади. Шунда илк бор шаҳарнинг иллатларидан бирини ҳазм қилолмай қийналдим. Совуқ тоғ бино ичида қарахта айландим. Юрагим қусиб-қусиб азобланди.

Кул уз кишиданга меҳр қўя бошлагани каби моҳиятсиз утаётган кунларимга аста-секин қуникаман. Негадир тош шаҳар ичида ивирсиётгандек бўламан. «Шаҳарда улуг одамлар кул, уларнинг этагидан тўтсанг кам бўлмайсан».— деганди онам. Аммо тасаввурингиздаги улугларнинг қўнчилик шогирдлари устозини изини эмас, оёгини босаётганлиги мени қўйнайди, она. Сизга таъна қилмоқчи эмасман. Фожеа, углингиз ҳам икки оқим ўртасида.

Озиб-ёзиб уйга борганимда менга курсатадиган меҳрибончилигингиз тош шаҳар нуқси урган юрагимда ол-

дингидай муҳрланмайди. Оналарнинг нигоҳи сезгир булади. Менга яхшилаб разм солсангиз «бир мунча» улғайганлигимни кўрасиз. Димоғдорлик билан чиройли сузлашларим, қўшиб-чатиб мақтанишларимни жимгина тинглайсиз. Нафақат сизга, балки бошқаларга ҳам узим ҳақимда мақтанишни хўш кураман. Мени ўйлаб бедор ўтказган туларингиз, ҳатто бетоб бўлиб қолганингизни менга айтмайсиз. Углингизнинг чиройли эртакларини тинглаб ўтираверасиз. Биласизки, ҳатто у гаплар айтмасингиздан мени зериктиришини. Тан олшим керак, қишлоқда бир кундан кейин зерика бошлайман. Тўғри, уртоқларим ўйларига таклиф қилишади. Аммо улар билан болаликдагидек эркин, самимий суҳбатлаша олмайман. Бунга нимадир халал беради. Уларнинг бари уйланган, фарзандлари бор. «Тирикчилик ташвишлари бошингга тушса биласан», деб қўйишади. «Хўллас, мазза қилиб зериколмайсизлар ҳам», қуламан мен уз навбатиди. Орадаги каттақон бўшлиқ — тирикчилик бизларни ажратаётгандек. Бу бўшлиқни эса ёлғиз менинг туйғуларим тўлдиролмайди.

Назаримда қишлоқ ҳам узгаргандай. Ёшлигимизда уйинқароқлик қилиб, поллидан қовун-тарвуз ўғирлардик. Ҳеч кими йўқ Ойлар момонинг уриқ, шифоли, узулларидан ўғирлашнинг болаларча гашиги бор эди. Ҳозирги болалар жилдлашгандай.

Менинг аҳволимни ёлғиз онам тушунади. Қўзимга қараб барини илғаб олади. «Ўғлим, сенга келин топиб қуйдим», ҳадиқ билан секин гапирадилар. Мен нодон, онамнинг юрагидан озиқланиб ўсаётган орзу қўшини хуркитаман. Бун-

дан булак бир талай ташвишларим борлигини, шаҳарда ўлкан ишлар куётганлигини кўпиртириб, ҳали уйланишга эрта эканлигига шаъма қиламан. Гуё бир ишни қойиллатадигандек яна шаҳарга ошиқаман. Онамнинг сузлари сал наша қилгандек булади-ю, муҳаббат ҳақида уйлайман. Диққина-фас бетон уйда, тиқилинч автобусда дафъатан хаёл сураман. Бировни астойдил севмаганимга унчалик кўюнамайман. Нима қилай ахир, узимни севишдан воз кечолмасам. Рост-да, мажнуларча севишинг учун узингга бўлган муҳаббатингни қўрбон беришинг керак. Қуйдим, эндим дейдиганлар ҳам узгани узичалик сева олмаслигига ишончим комил. Шу тариқа кунгилм таскин топади. Ва тушунчалар ичида мен суйган манфаат алангаланади. Шаҳарлик дўстларимдан бири сен билан манфаат юзасидангина дўст тутингандим, деганида узимча ундан нафратланиб юрдим. Бунинг моҳиятини англагач эса узимнинг устимдан қўлдим.

Хасталик шу аҳволга олиб келдики, ҳаётдан ўзи нимани излаётганлигимни ҳам тушунмай қолдим. Шундай пайтларда сизни уйлашнинг ўзи ҳам руҳан тетиклаштиради, она.

Тун мудрапти, тунга қўшилиб шаҳар ҳам. Аммо аллангизинг уйғоқ экинлари юрагимни пайпасламоқда. Яна тонг отади, яна вужудим узини сергалва шаҳарга итқатади. Қишлоқни, онамни соғинганим, шулар мени даволаши мумкинлиги унинг парвойига ҳам келмайди...

Алижон САФАРОВ

СўНГГИ УСТУН

ФИЛАР МЕНИНГ ДЎСТЛАРИМ

Куруқликда яшовчи ҳайвонлар орасида сувга учликда филга тенг келадигани топилмас керак. Битта катта фил кунига 100—120 литр сув ичади. Улими яқинлашганини сезган фил эса узи биладиган ботқоққа боради ва уша ерда ҳаёт билан видолашади. Филларнинг уз қабристонга булади, деган гапда асос борлиги шундан.

СУВ СУЛТОНИ

Бегемотни шундай аташлари бежиз эмас. 2—3 тонна тош босадиган бу жонзот умрининг катта қисмини сувда ўтказди, ҳатто она бегемотнинг кузи сув ичида ёриди. Янги тутилган «чакалоқ» бегемотнинг вазни 100 килограммгача етади.

«ҚИРОЛЛАР ҲАМ КЎРҚАРКАНДА, А?»

Болаларнинг севимли мулфилмини-нг қахрамони, шербагча Синбанинг бу сузарида жон бор. Ҳайвонлар шохли ҳисоблангани шер тимсоҳ, қарқолон, бегемот, фил каби баҳайбат, териси қалин ҳайвонлардан кўрқадди, улардан чет-рокда юришга тиришади.

АФРИКАНИНГ ГУЛДОР ОТЛАРИ

Зебра ҳақидаги дастлабки маълумотлар португал тили сайёҳларнинг XV асрга оид ёзма манбаларида учрайди. Улар териси чипор, ўзи хутлика ҳўшап бу ҳайвонни «Африканинг гулдор оти», деб атайдилар. Зебралар сув ҳавзасига яқин жойларда тудатуду бўлиб яшади, дашт-биебонлардаги қовжирок ўт-ўланларни хўш қуриб ейди. Африкага оқ танлиларнинг оғи етгач, зебралар кўп миқдорда нобуд қилинди.

БЕОЗОР, ЁҚИМТОЙ ВА... ЯҚОВ

Австралиянинг эвалкинг дарактли урмонларида яшовчи қаола деб номланувчи ҳайвонга ана шундай таъриф бериш мумкин. Буйи ярим метрдан, оғирлиги 10 килограммдан ошмайдиган айқимсон бу жонивор битта дарактта чиқиб олиб, унинг барги туғалгунча тушмайди. Қаола жароҳатланса, айрим ҳайвонларга ўхшаб даргазаб бўлиб бўқирмайди, аксинча олд оёқлари билан юзини тусиб йнглай бошлайди.

ТУХУМДАН ЧИҚҚАН СУТ ЭМИЗУВЧИ

Шарқий Австралия ва Тасманиянинг овлоқ жойларидаги сув ҳавзаларида Урдақтумшук деган жонивор янайди. Унинг тумшуги урдақникита, думи кундузникига, олд панжаси эса бўрсикникита ухшайди. Урдақтумшук тухум қуйиб бола отади ва боласини эмизиб катта қилади.

Рус латифралари ва хандалари

— Романингизни бироз жонлан-тириш керак экан, — деди ношир детектив асар муаллифига.

— Бунинг иложи бор, — жавоб қилди муаллиф, — яна икки-учта мурдани қўшиб юборамиз.

Банк биноси олдида утириб олган қари аҳудий писта сотаяпти. Унинг олдида бошқа бир аҳудий келиб сурайди:

— Рувим, менга ун минг қарз бериб туролмайсанми?

— Жон деб берган булардим, бироқ биласанми, менинг банк билан шартномам бор: мен қарз бермасликка, банк писта билан савдо қилмасликка аҳдлашганмиз.

Сартарошнинг қўрсисида ҳарбий утирибди. «Айтинг-чи, сиз Чеченистонда бўлганмисиз?» — туйқусдан сурайди сартарош. «Йўқ, йўқ, бўлмаганман!» — сакраб тушиб жавоб қилади ҳарбий. Сартарош унинг сочини олишини давом эттиради. «Айтинг-чи, сиз

Чеченистонда бўлганмисиз?» — қутиманганда яна сурайди сартарош. «Йўқ, йўқ» — жавоб беради ҳарбий. Бироздан сунг сартарош яна шу савол билан ҳарбийга мурожаат қилади.

Ниҳоят, сочини олдириб булган ҳарбий чиқиб кетади.

«Нега сен унга Чеченистон, деб епишиб олдинг ўзи? — ҳайрон бўлган ҳамкасби сартарошдан сурайди. — Бир марта сураганимдаёқ айтди-ку, булганим йўқ, деб».

«Биласанми, Чеченистонда булганмисиз, деб ҳар гал сураганимда унинг сочдари тикрайиб кетади, тикрайган сочини олиш қулайда».

Киллер (қотил)ни ёлламоқчи булган киши унга мурожаат қилди: — Юз минг доллар берман. Ленин кучаси, иккинчи уй, квартира...

— Булди! — деди қотил унинг сўзини ҳўрт кесиб, — Квартираси шарт эмас. Бундай пул учун бутун бошли уйнинг узини портлатиб юборамиз!

Келин пўштага...



Ва келинча келин

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОТИН-КИЗЛАР
КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР
ЖАМҒАРМАСИ ВА
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳаммаси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
ишоамаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон: 33-28-20, 36-56-52, 34-86-91
Даврон БЕК
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-031 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.